

ТАСДИҚЛАНГАН
16.09.2024 й.

ACFP раиси М. Перпер

ACFPда иш берувчиларни аккредитациядан ўтказиш тўғрисида низом

I. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу низом Ўзбекистон ташкилотларида молия мутахассисларининг профессионал ривожланишига кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган.

1.2. Атамалар ва тушунчалар:

- ACFP — иш берувчиларни аккредитациядан ўтказувчи Ўзбекистон сертификатланган молия мутахассислари уюшмаси;
- Иш берувчи — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритувчи ва штатида молия мутахассислари бўлган юридик шахс;
- Номзод — ACFPда аккредитациядан ўтишни хоҳловчи иш берувчи;
- Иш берувчини аккредитациядан ўтказиш — иш берувчининг молия мутахассисларини профессионал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг илғор амалиётларига мувофиқлигини тасдиқлаш;
- Молия мутахассиси — молия, бухгалтерия ҳисоби, аудит, нархни белгилаш ёки турдош соҳаларда фаолият юритувчи ташкилот ходими.

1.3. Иш берувчиларни аккредитациядан ўтказишнинг асосий вазифалари:

- Иш берувчи энг яхши амалиётларга мувофиқ молия мутахассисларининг профессионал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш ниятида эканлиги ва яратаётганлигини тасдиқлаш;
- Истиқболли молия мутахассислари учун иш берувчининг жозибадорлигини ошириш;
- Профессионал ҳамжамиятни ривожлантириш ва иш берувчилар ўртасида тажриба алмашиш.

1.4. Иш берувчиларни аккредитациядан ўтказиш ушбу низомга мувофиқ ихтиёрий асосда амалга оширилади.

1.5. Иш берувчини аккредитациядан ўтказиш ва уни узайтириш тўғрисидаги қарор ACFP директори томонидан қабул қилинади.

1.6. Аккредитациядан ўтган иш берувчига уч календарь йил муддатга аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномаси берилади.

II. Аккредитациядан ўтказиш тартиби

2.1. Аккредитациядан ўтказиш қўйидаги босқичлардан иборат:

- 1-босқич – аккредитация ўтиш учун ариза топшириш ва зарур ҳужжатларни тақдим этиш;
- 2-босқич – ходимларни қўллаб-қувватлашнинг энг яхши амалиётларига мувофиқлигини баҳолаш;
- 3-босқич – аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

2.2. Аккредитациядан ўтиш учун номзодларга қўйиладиган талаблар:

- молия мутахассисларини ривожлантириш дастурининг мавжудлиги;
- ходимларнинг профессионал сертификатлар олишини қўллаб-қувватлаш;
- ходимларни бошқариш соҳасидаги энг яхши амалиётларга мувофиқлик;
- молиявий фаолиятда ахлоқ стандартларини таъминлаш.

2.3. Номзод асфр.uz сайтида аккредитациядан ўтиш учун ариза-сўровномани тўлдириши ва топшириши керак.

2.4. Аризага аккредитациядан ўтказиш талабларига мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган бўлиши керак.

2.5. Аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги қарор ACFP директори томонидан асфр.uz сайтида ариза-сўровнома топширилганидан сўнг 30 кунлик муддатда қабул қилинади.

III. Аккредитациядан ўтказишни узайтириш тартиби

3.1. Иш берувчини аккредитациядан ўтказиш қўйидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида узайтирилади:

- Ўқиш ва сертификатлашдан ўтган молия мутахассислари сони;
- Профессионал имтиҳонларни муваффақиятли топширган ходимлар фоизи;
- Узлуксиз профессионал ривожланиш дастурларининг мавжудлиги ва самарадорлиги;
- Ривожланиш дастурлари ҳақида ходимларнинг фикр-мулоҳазалари.

3.2. Аккредитациядан ўтказишни узайтириш учун иш берувчи амалдаги аккредитация муддати тугашидан 3 ой олдин асфр.uz сайтида ариза-сўровномани тўлдиради.

3.3. Иш берувчини аккредитациядан ўтказишни узайтириш тўғрисидаги қарор ACFP директори томонидан асфр.uz сайтида ариза-сўровнома топширилганидан сўнг 30 кунлик муддатда қабул қилинади.

IV. Аккредитациядан ўтган иш берувчилар реестри

4.1. ACFP аккредитациясидан ўтган иш берувчилар тўғрисидаги маълумотлар аккредитациядан ўтган иш берувчилар реестрига (кейинги ўринларда — реестр) киритилади.

4.2. Реестр acfp.uz сайтида жойлаштирилади.

4.3. Реестрда аккредитациядан ўтган иш берувчилар тўғрисида қуйидаги маълумотлар бўлади:

- Ташкилот номи;
- Юридик манзили;
- Аккредитациядан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг рақами ва амал қилиш муддати;
- Боғланиш учун маълумотлар.

V. Аккредитациядан ўтган иш берувчиларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари

5.1. Аккредитациядан ўтган иш берувчилар қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- Ушбу Низомга риоя қилиш;
- Молия мутахассисларининг профессионал ривожланиш дастурларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;
- Ходимларга ACFP ва ACCA имтиҳонларига тайёргарлик кўриш ва топширишда кўмаклашиш;
- Молиявий фаолиятда ахлоқий меъёрларга риоя қилиш;
- ACFPга ташкилотда молия мутахассисларини ривожлантириш тўғрисида йиллик ҳисобот тақдим этиш;
- Ходимларни ривожлантириш дастурларидаги муҳим ўзгартиришлар тўғрисида ACFPга хабар қилиш.

5.2. Аккредитациядан ўтган иш берувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ўз мулоқотларида ACFPнинг аккредитациядан ўтган иш берувчиси мақомидан фойдаланиш;
- ACFPдан ахборот ва услубий кўмак олиш;
- ACFP тадбирларида имтиёзли шартларда иштирок этиш;
- Молия мутахассисларини ривожлантириш учун ACFP ва унинг ҳамкорлари ресурсларидан имтиёзли асосда фойдаланиш.

VI. АСФРнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари

6.1. АСФР қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- Аккредитациядан ўтиш учун номзодларни холис баҳолашни амалга ошириш;
- Аккредитациядан ўтган иш берувчиларга ахборот ва услубий кўмак бериш;
- Аккредитациядан ўтган иш берувчилар ўртасида тажриба алмашиш учун тадбирлар ташкил этиш;
- Ўз иштирокчиларини аккредитациядан ўтган иш берувчилардаги бўш иш ўринлари ҳақида хабардор қилиш.

6.2. АСФР қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Аризалар ва тақдим этилган ҳужжатларни баҳолашни амалга ошириш;
- Номзод белгиланган талабларни бажармаган тақдирда унинг аккредитациядан ўтиш учун аризасини рад этиш;
- Талабларга риоя қилинмаган тақдирда аккредитациядан ўтказишни тўхтатиб туриш ёки чақириб олиш;
- Ушбу низомга ўзгартиришлар киритиш.

VII. Яқуний қоидалар

7.1. Ушбу низом АСФР раиси томонидан тасдиқланган пайтдан эътиборан кучга киради ва acfp.uz сайтида эълон қилинади.

7.2. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар АСФР раисининг қарори билан киритилиши мумкин.

7.3. Аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ низолар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда улар АСФР ва иш берувчи ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Келишувга эришишнинг имкони бўлмаган тақдирда низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал қилинади.